

ИКТ И СОДАВИЊТ ВА ТАТЪАИИ



4

2009



ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАЪЛИМ

4

2009

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

«Иқтисодиёт
ва
ТАЪЛИМ»

илмий журнали

2 ОЙДА БИР МАРТА ЧОП ЭТИЛАДИ

2009

4

сентябрь

Бош муҳаррир
академик САИДАҲРОР ҒУЛОМОВ

Тахрир хайъати:

и.ф.д., проф. Б. Ходиев, и.ф.д., проф. Қ. Абдурахмонов, и.ф.д.,
проф. Ё. Абдуллаев, и.ф.д., проф. Р. Алимов, и.ф.д., проф.
Г. Ахунова, и.ф.д., проф. А. Бекмуродов, и.ф.д., проф. И. Иватов
(масъул котиб), и.ф.д., проф. Ж. Жалолов, и.ф.д., проф.
Н. Махмудов, и.ф.д., проф. Э. Набиев, и.ф.д., проф. Г. Назарова,
академик В. Ким, ф.ф.д., проф. И. Саифназаров, и.ф.д., проф. А.
Раззоқов, и.ф.д., проф. Т. Шодиев, и.ф.д., проф. Ш. Шодмонов.

ТАЪСИСЧИ:

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

ТОШКЕНТ

IV. ИННОВАЦИЯ ВА ИНВЕСТИЦИЯЛАР

| | | |
|-------------|--|----|
| Хожиев Б. | Иқтисодийни модернизациялаш ва инновацион ривожланишни жадаллаштиришда инвестиция омилидан фойдаланиш..... | 89 |
| Хамроев Х. | Инвестиция соҳасида зонал сиёсат ва уни такомиллаштириш..... | 93 |
| Сайманов И. | Қайта ишлаш саноатини модернизациялашнинг илмий-амалий жиҳатлари..... | 96 |

V. СТАТИСТИКА, ЭКОНОМЕТРИКА ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

| | | |
|---------------|--|-----|
| Тўйчибоев Н. | Компанияни бошқариш тизимида ахборот-коммуникация технологиялари..... | 99 |
| Бекчанов М. | Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини динамик эконометрик моделлар асосида башоратлаш..... | 101 |
| Саъдуллаев У. | Пахта хом ашёсини қайта ишлашда сифатнинг статистик огоҳлантирувчи назорати..... | 104 |
| Шакаров А. | Ишлаб чиқариш тузилмасини иқтисодий моделлаштириш..... | 108 |
| Сафаров Б. | Туризм соҳасида статистик маълумотлардан фойдаланишнинг методологик асослари..... | 110 |
| Иминова Н. | Ўзбекистонда ахборот-алоқа соҳасида риск-менежментининг шаклланиши..... | 113 |
| Бердикулов А. | Корхонани қайта таркиблаштиришда иқтисодий кўрсаткичларнинг нисбий зарурлиги коэффицентини аниқлаш услуги..... | 115 |

VI. МОЛИЯ ВА АУДИТ

| | | |
|---|--|-----|
| Назарова Р. | Ўзбекистонда ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари..... | 118 |
| Хайруллаев А., Жалилов Ш. | Солиққа тортиш механизми ва ёқилги-энергетика корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш..... | 120 |
| Тўраев А. | Бюджет интизомини таъмин этишда ички аудит хизматидан фойдаланиш..... | 123 |
| Атаханов Х. | Йўл-транспорт воситалари корхоналарида автоиссиқлик харажатларини мажмуали баҳолаш..... | 126 |
| Абдукаримова М., Мажидов А., Матякубов Х. | Тўқимачилик корхоналарида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш муаммолари..... | 130 |
| Халмирзаева Д. | Қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш..... | 132 |
| Абдилакимов Г. | Инкироз шароитида транспорт тизимини ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш..... | 134 |
| Якубова З. | Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталлашиш даражасини ошириш йўллари..... | 138 |

VII. ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

| | | |
|------------------------------------|--|-----|
| Жуманиязов Н. | Марказий Осиёда интеграцион жараёнларнинг характерли хусусиятлари..... | 143 |
| Тулеметова А. | Махсулот рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар..... | 145 |
| Мирзахалилов Б. | Қирғизистон Республикаси энергетика ва энергетик баланси ҳолати..... | 148 |
| Мухамеджанова Г., Самижанова Ф. | Ҳиндистоннинг эркин иқтисодий ҳудудлари ва уларнинг ривожланиш хусусиятлари..... | 151 |
| Лақаева О. | Халқаро меҳнат бозори моделлари ва Ўзбекистонда улардан фойдаланиш..... | 154 |

VIII. ФАН ВА ТАЪЛИМ

| | | |
|--------------------------------|--|-----|
| Гуломов С., Ғойибназаров Б. | Фан ва таълим интеграцияси ижтимоий-иқтисодий тараққиёт омили сифатида..... | 158 |
| Тожиева З. | Аҳоли фаровонлигини оширишда таълимнинг роли..... | 162 |
| Раҳманбаева Р. | Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозини бартараф этиш шароитида интеллектуал капитални бошқариш..... | 164 |
| Азимова Х. | Рақобатбардошлик ва персоналнинг инновацион фаоллиги..... | 166 |
| Турсунов И. | Тадбиркорлик — инкироз шароитида иқтисодийни инновацион ривожлантиришнинг муҳим омили..... | 166 |

ахамиятли равишда ошиши ҳамда инвестициялар мазкур тармоқларда тўпланишига сабаб бўлади. Шунга кўра, фикримизча, инвестицияларнинг тармоқ ва соҳалар бўйича мутаносиб равишда таксимланиши ҳамда улар бўйича рентабеллик даражаси асосиз равишда кескин табақалашувига йўл қўймаслик борасида доимий чора-тадбирлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Бундай тадбирлар хорижий ва миллий инвестицияларнинг мамлакат минтакалари бўйича мутаносиб равишда таксимланишини ҳам назарда тутиши лозим.

Иқтисодийни модернизациялаш ва инновацион ривожланишни жадаллаштиришда инвестиция омилидан фойдаланишни янада кенгайтиришда мамлакатимизда қуйидаги чора-тадбирлар тизимини амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- модернизациялаш ва инновацион ривожланишни таъминлашга хизмат қилувчи ишлаб чиқариш ва техник-технологик жараёнларга инвестициялар киритишни рағбатлантирувчи иқтисодий восита ва дастаклар ишлаб чиқилиши ва амалиётга жорий этилиши;

- хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик стратегиясини, ўзаро фойдали кооперация алоқаларини янада кучайтириш;

- мамлакатимиздаги инвестиция муҳити, миллий иқтисодийнинг етакчи тармоқ, компания ва ташкилотларининг инвестицион имкониятлари тўғрисидаги маълумотларни кенг тарғиб этиш;

- автомобиль ва темир йўллар, транспорт, алоқа, электр энергияси ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш инфратузилмаси соҳасидаги ҳамкорликдаги инвестицияларни амалга оширишни фаоллаштириш ва бошқалар.

Бундай йўналишлардаги чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши пировардида хорижий ва миллий инвестиция ресурсларидан иқтисодийни модернизациялаш ва инновацион ривожлантириш жараёнларида янада кенгрок фойдаланиш учун имкон яратади.

И.ф.н. Х. Ҳамроев

Инвестиция соҳасида зонал сиёсат ва уни такомиллаштириш

Инвестиция бозори аввалгиларидан таклифга нисбатан талаб юқорилиги билан фаркланаётган ҳозирги шароитда инвесторлар капиталларини қўллаш учун жой танлашда 7 эмас, 70 марта "ўлчаб", кейин кесадилар. Уларни бу борада яратилган имтиёзларгина эмас, барқарор сиёсий ва ижтимоий - иқтисодий муҳит, муккамал конунлар, ривожланган бозор инфратузилмаси... ҳам кизиктиради. Инвесторлар учун мамлакат жозибадорлиги (жалб этувчанлиги)ни оширувчи бу каби омиллар устунлигини таъминлаш давлатнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланиб, қулай инвестиция муҳити учун мустаҳкам замин яратади.

Инвестиция муҳити кенг маъноли тушунча бўлиб, инвесторга эътибор қаратадиган барча шарт-шароитлар (иқтисодий, сиёсий, идеологик, маданий ва бошқалар) тўғрисида тасаввур беради, уларни ҳар томонлама, чуқур таҳлил қилиб, инвестиция таваккалини аниқлаш имконини яратади.

Инвестиция муҳити ва таваккали даражалари бир-бирларига тескари нисбатда. Инвестиция муҳити канчалик қулай бўлса, тадбиркорлик таваккали шунчалик пасайиб, инвесторлар кириб келишини кўпайтиради. Аксинча, инвестиция муҳити ноқулайлиги таваккал даражасини ошириб, инвестиция қабул қилувчининг сарф-харажатлари ўсишига олиб келади. Демак, инвестиция муҳитининг ҳолати фақат инвестор учун эмас, балки, инвестиция қабул қилувчи учун ҳам муҳимдир¹.

Макроиқтисодий даражада инвестиция муҳити капитални қабул қилувчи мамлакатдаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳолатларда аке этади. Бунда хорижий инвестицияларга нисбатан давлат сиёсати, халқаро шартномалар шартларини бажариш, хорижий мулкни миллийлаштириш, турли масалалар бўйича халқаро шартномалар тизимида иштирок этиш, давлат бошқарув тизимларининг мустаҳкамлиги,

¹ Пинали Э. Инвестиционный климат и частный сектор. //Ж: Экономическое обозрение. – 2005, N 9. – С.42-43.

сиёсий раҳбариятнинг муқаррарлиги, давлатнинг иқтисодийётга аралашиб даражаси, иқтисодий сиёсатнинг муқамаллиги, давлат аппарати ишининг самарадорлиги, банклар тизимининг такомиллашув даражаси, пул муомаласи, давлат бюджетининг барқарорлиги, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари миқдори ва бошқалар ҳал қилувчи ўринда туради. Инвестиция муҳитига капитални қабул қилувчи мамлакат қонунларида ақс эттирилган тўғридан-тўғри харажатлар ва хорижий фирмалар фаолиятини чегараловчи ёки тақикловчи омиллардан ташқари, қондалардаги ноаниқлиги аниқланмаган ва мувофиқлаштирилмаган баъзи жараёнлар салбий таъсир этади.

Инвестиция муҳити объектив категория бўлиб, ҳар бир алоҳида олинган вақт доирасида инвесторлар учун ҳақиқатда мавжуд шарт-шароитлар мажмуасини ақс эттиради. Давлат ҳокимиятининг таъсирчанлиги инвестиция муҳитини аниқловчи омиллардан бири эканлигини эътиборга олсак, капитал жалб қилувчи ҳар бир мамлакат маълум бир инвестиция тизимиға эға. Бу тизим ҳуқуқий меъёрлар ва муассасалардан иборат хорижий инвестицияларни қабул қилиш тизими ва инвестиция муҳитини ўз ичига олади. Хорижий капитални қабул қилиш тизими инвестиция муҳитининг компоненти хизматини ўтайди. Инвестиция муҳитини ўзгартиришға қодир бу тизим қабул қилувчи томонда хорижий капитал миллий иқтисодийётға қулай равишда қириб қелишини намоеън этса, инвестиция муҳити қириб қелган капиталнинг мамлакат ичида оптимал равишда ўсиб бориш вазиятиға баҳо беради. "Инвестиция муҳити" иқтисодийётда янги тушунча эмас, аммо, мустақил Ўзбекистон шароитиға нисбатан ишлаб чиқилмаган.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга қиритгандан сўнг хорижий инвестицияларни миллий иқтисодийётға жалб қилиш тизимини яратишға қиришди. Авваламбор, жаҳон талабларига жавоб берадиган илғор конституция қабал қилинди, шунингдек, бу борада қатор қонунлар ва Президент фармонлари чиқарилди. Улар маълум маънода хорижий инвестицияларни жалб этишнинг ҳуқуқий асосини ташқил этади. Аммо, ҳозирги инвестиция муҳити республикаға жуда қатта миқдорда капитал оқимиға имқон бера олмайди. Демак, Республика Президенти И. А. Қаримов таъқидлаганидек, "Хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича рағбатлантиришни қучайтириш, қафолат ва имтиёзларни қенгайтириш, инвестиция фаолияти учун қулай муҳитни шакллантириш зарур"².

Мақсадға (ташқи ҳамқорлар билан алокани ривожлантириш ёки ички бозордан қўплаб шерик топиш) қараб ҳам турли имтиёзлар белгиланиши мумқин. Биринчи ҳолда экспорт қўпроқ рағбатлантирилса, иккинчи ҳолда маҳаллий бозорға товарларни сотиш ёки қеракли бутловчи қисмларни сотиб олиш рағбатлантирилади. Хорижлик ҳамқорлар билан алоқадан, жумладан, техник, технологик, информация ва бошқа тур алоқадан юқори самара олиш мақсадида бирғаликдаги тадбирқорликни ривожлантиришға қатта эътибор берилади. Бунинг учун қўшма қорхоналарни яратиш ва улар фаолият юритишиға турли хил имтиёзлар берилади.

Хом ашё ресурсларини бирламчи қайта ишловчи компаниялар ЭИХларға қам инвестиция қилишади. Бунинг муҳим сабабларидан бири шундаки, йирик бўлган бу қорхоналар одатда, фаолиятини узок муддатға режалаштириб, узок муддатли шартномалар асосида иш олиб боришади. ЭИХлар эса чекланган муддатға имтиёзлар беради. Шунинг учун бундай компаниялар ЭИХларда эмас, барқарор давлатда фаолият олиб боришни маъқул қўрадилар.

ЭИХларға йирик трансмиллий қорпорациялар эмас, балки, бозорда ўз ўрниға эға бўлмаган қичик ва ўрта компаниялар инвестиция қилишади. Бу компаниялар қўп ҳолларда хорижий инвестиция бозорларига энди қикқан, ҳали мавқен мустаҳкамланмаган бўлади, шу боис ЭИХлар берадиган имтиёзларға муҳтож бўлишади³. Трансмиллий компаниялар эса бу бозорда муайян мавқени эғаллаб, ўзига яхшигина шароит яратгани боис хоҳлаган мамлакатнинг одатдаги шароитида имтиёзларсиз ҳам муваффақиятли фаолият

² Қаримов И.А. Банк тизими, пул муамаласи, қредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

³ Юн Чжен Ен. Применение мирового опыта и особенности развития свободных экономических зон в России. – М., 1997. – 174с.

юрита олади. Улар ЭИХлар берадиган имтиёзга шунинг учун ҳам унчалик мухтож эмас; Бундан ташқари, кичик ва ўрта фирмалар трансмиллий коорпорацияларга нисбатан эгилувчан, маҳаллий бозор хусусиятларини ҳам ўзлаштиради, ўзгарувчи жаҳон иқтисодиёти шароитларига ҳам тез мослаша олади. Бошқача қилиб айтганда, трансмиллий компаниялар узок муддатли ташаббусда, кичик ва ўрта фирмалар киска муддатли тажрибада устунликка эга.

ЭИХнинг ихтисослашуви кўпинча пионер инвесторлар соҳасига боғлиқ бўлади. ЭХМ агар улар электроника соҳасига инвестиция киритса, секин-аста электроникага, бордию дастлаб туризмга кўпроқ эътибор берилса, туризмга ихтисослашади. ЭИХни ташкил этувчи мамлакат худудига мўлжалланган ихтисослик ҳамма вақт ҳам амалга ошавермайди. Масалан, Маврикий оролида ўтган асрнинг 60 - йилларида ташкил этилган ЭИХни электроника, металлни қайта ишлаш, хом ашёга ишлов беришга ихтисослаштириш мўлжалланганди. Аммо, 20 йилдан кейин (80 - йилларда) унда бандларнинг 87%и тўқимачилик ва кийим тикиш билан шуғулланди⁴.

Умуман олганда, ривожланаётган мамлакатларга ЭИХлар учун «монокультура»ли бўлишга интилиши характерли. Масалан, тўқимачилик ва кийим - кечак ишлаб чиқариши ҳиссаси иш билан бандларнинг Шри - Ланкадаги экспорт - саноат худудида 90% ини, Доминика Республикасида 60%ини, Мисрда 54%ини ташкил этади⁵. Хорижий инвесторлар фаолияти устидан назорат, шунингдек, миллий ва хорижий компанияларнинг ўзаро таъсири суст бўлган худудидаги корхоналар билан алоқа яхши йўлга қўйилмаган мамлакатдаги ЭИХларда «монокультуралик» тенденциялари кучаяди.

Хорижий инвесторлар энг қулай ва жозибадор соҳага ихтисослашиши оқибатида айрим ЭИХлар банк ва сугурта муолажаларига ихтисослашади. Масалан, Люксембургда конунлар лояллиги туфайли Германиянинг кўпгина йирик банклари немис конунларини четлаб ўтиш учун (масалан, мажбурий тўловлар яратиш мажбуриятини бажармаслик, муолажалардан олинадиган нисбатан юқори солиқни тўламаслик ва шу каби) фаол ҳаракат қилишади.

Имтиёзларнинг муҳим кўринишларидан бири кредитни жуда паст фоизлар билан, ҳатто, фоизсиз қайтариб беришдир. Хорижлик ҳамкорларга инвестициявий кредит бериш ҳам мақсадга мувофик. Бунда хорижий компания ЭИХда капитал қўйилмаларини кўпайтиргани сари солиқ мажбуриятлари камайтириб борилади. Натижада бундай компаниялар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга нисбатан камроқ маблағ сарфлаш имконига эга бўладилар.

Инвестициявий жозибадорлик хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун бир хил эмас. Хорижий инвестор учун асосий рағбат бўладиган омил (масалан, ички бозорга кириш имконияти) миллий инвестор учун бутунлай аҳамиятсиз ёки иккинчи даражали роль ўйнаши мумкин. ЭИХни яратишда бериладиган рағбатлар ва мотивлар миллий ҳамда хорижий инвесторларга турли хил таъсир қилиши, улар томонидан турлича қабул қилиниши мумкинлигини инобатга олиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ўзининг инвестиция муҳитини яхшилаш учун сиёсат олиб борар экан, бунда қуйидаги тамойилларга асосланиши мақсадга мувофикдир:

- ташки иқтисодий фаолиятни либераллаштира бориш;
- хорижий инвесторларга нисбатан "очик эшиклар" сиёсатини олиб бориш;
- хорижий инвестицияларни иқтисодиётга жалб қилиш учун ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шароитларни такомиллаштира бориш.

Ўзбекистонда ислохотларнинг мобайнида (1991- 2002 йиллар) 14 миллиард доллар иқтисодий ва бошқа шароитларни такомиллаштиришга инвестицияларнинг микдоридаги чет эл инвестициялари ва кредитлари ўзлаштирилди. Инвестицияларнинг учдан икки қисми йирик корхоналарга ва тоғ қазилмалари саноатига, шунингдек, маҳаллий захираларни қайта ишловчи саноат тармоқларига кириб келди. Бунда энгил саноат, озик - овқат, гўшт, сут, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарга катта

⁴ Юн Чжен Ен. Применение мирового опыта и особенности развития свободных экономических зон в России. - М., 1997. - С.29
⁵ Коршунов В.П. Возможности и перспективы использования мирового опыта СЭЗ в условиях России - М.: Дипломатическая академия МКД РА. - 1993.

эътибор берилди⁶. Ўтган давр мобайнида мамлакатда икки мингдан ортик янги махсулот ўзлаштирилган, 2200 йирик ва ўрта корхона маҳаллий бозорга ва хорижга махсулот чиқармоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳар йил қабул қилаётган инвестиция дастурий амалга оширишда 25 дан ортик мамлакат иштирок этмоқда⁷.

Республикада хорижий инвестиция жалб этилган корхоналарга куйидаги имтиёз ва рағбатлантириш омиллари берилган:

- товарлар экспорти ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 30 фоизини ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, фойда солигини амалдаги ставкалардан икки баробар камроқ тўлаш ҳуқуқи;

- хорижий инвестицияли корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик ва б.

Хуллас, Ўзбекистон каби нисбатан йирик мамлакатда инвестиция муҳитини тезда жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган даражада яхшилаш амримаҳол. Шунинг учун ҳам микро даражада, яъни, ЭИХ доирасида бундай муҳитни яратиш устида ишлаш керак. Албатта, макро даражада инвестицион муҳитни яхшилаш давлат зонал сиёсатининг бош вазифаларидан бири бўлиб қолиши зарур. ЭИХлар учун қулай тартиб, ишловчан механизмлар ва самарали имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш керак. Бу борадаги ҳар бир лойиҳада шундай муҳим аҳамиятли «далил»ни топиш ва ажратиш олиш керакки, у ЭИХ катнашчилари ва потенциал ҳамкорлар учун ўта жозибадор бўлиб кўринсин.

Асп. И. Сайманов

Қайта ишлаш саноатини модернизациялашнинг илмий-амалий жиҳатлари

Ислохотлар даврининг ҳозирги босқичида миллий иктисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришни янгидан ташкил этиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини янги даражага кўтариш, иктисодий фаолият эркинлигини бозор муносабатларига хос тарзда кенгайтириш, соҳаларда амалга оширилаётган иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш талаб этилмоқда. Бу вазифаларни ҳал этиш иктисодий ҳаётнинг барча қирраларини модернизациялаш ва замонавийлаштиришга, иктисодий фаолият эркинлигини кенгайтиришга боғлиқ. Шунинг учун, Ўзбекистон иктисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришни тубдан модернизациялаш масаласи долзарб муаммо сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакат иктисодиётининг устувор соҳаларидан бири ҳисобланган қайта ишлаш саноати кўпгина ўзаро боғлиқ тармоқлар ривожланишини рағбатлантиради, натижада республикамиз ишлаб чиқариш салоҳияти ошади, янги иш жойлари яратилади, жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланади.

Қайта ишлаш саноати рақобатбардошлилигини ошириш, мамлакат ички бозорини тўйинтириш, қайта ишлаш саноати махсулотларини халқаро бозорларга олиб чиқишда инфратузилма тармоғини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Буни куйидагилар тақозо этади:

биринчидан, миллий иктисодиётнинг хом ашё жиҳатдан катта сифимли эканлиги, келажакка мўлжалланган стратегик йўналишларни белгилашда ташкилотчилик қобилияти маҳоратини ўзида мужассамлаштирган маркетинг бошқарувининг муҳимлиги;

иккинчидан, қайта ишлаш саноати ишлаб чиқараётган махсулотларнинг дунё бозоридаги рақобатбардошлилигини кўтариш. Бозорни ўзлаштиришдаги тижорат фаолиятини амалга ошириш орқали корхонани молиявий манбалар билан таъминлаш мумкинлиги;

учинчидан, қайта ишлаш саноатини молиялаштиришнинг бош мезонларидан бўлган лизинг тизимини ташкил этиш зарурати.

⁶ Исакулов Ш. Краткий обзор привлечения иностранных инвестиций и кредитов республики Узбекистан // Ж: Иностранные инвестиции в Республики Узбекистан.- 2003, N 1. 31-34.

⁷ Узбекистан в мировой экономике. Цифры и факты. Т.: Фан, 2001.; Экономика Узбекистана. Аналитический обзор. 1 – полугодие 2004г. USAID.

этибор берилди⁶. Ўтган давр мобайнида мамлакатда икки мингдан ортик янги махсулот ўзлаштирилган, 2200 йирик ва ўрта корхона маҳаллий бозорга ва хорижга махсулот чиқармоқда. Ўзбекистон Республикаси ҳар йил қабул қилаётган инвестиция дастурини амалга оширишда 25 дан ортиқ мамлакат иштирок этмоқда⁷.

Республикада хорижий инвестиция жалб этилган корхоналарга куйидаги имтиёз ва рағбатлантириш омиллари берилган:

- товарлар экспорти ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 30 фоизини ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклидан қатъи назар, фойда солигини амалдаги ставкалардан икки баробар камроқ тўлаш ҳуқуқи;

- хорижий инвестицияли корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик ва б.

Хуллас, Ўзбекистон каби нисбатан йирик мамлакатда инвестиция муҳитини тезда жаҳон стандартлари талабига жавоб берадиган даражада яхшилаш амримаҳол. Шунинг учун ҳам микро даражада, яъни, ЭИХ доирасида бундай муҳитни яратиш устида ишлаш керак. Албатта, макро даражада инвестицион муҳитни яхшилаш давлат зонал сиёсатининг бош вазифаларидан бири бўлиб қолиши зарур. ЭИХлар учун қулай тартиб, ишловчан механизмлар ва самарали имтиёзлар тизимини ишлаб чиқиш керак. Бу борадаги ҳар бир лойиҳада шундай муҳим аҳамиятли «далил»ни топиш ва ажратиш олиш керакки, у ЭИХ қатнашчилари ва потенциал ҳамкорлар учун ўта жозибадор бўлиб кўринсин.

Асп. И. Сайманов

Қайта ишлаш саноатини модернизациялашнинг илмий-амалий жиҳатлари

Ислохотлар даврининг ҳозирги босқичида миллий иктисодиёт тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришни янгидан ташкил этиш, ишлаб чиқариш салоҳиятини янги даражага кўтариш, иктисодий фаолият эркинлигини бозор муносабатларига хос тарзда кенгайтириш, соҳаларда амалга оширилаётган иктисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш талаб этилмоқда. Бу вазифаларни ҳал этиш иктисодий ҳаётнинг барча қирраларини модернизациялаш ва замонавийлаштиришга, иктисодий фаолият эркинлигини кенгайтиришга боғлиқ. Шунинг учун, Ўзбекистон иктисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқаришни тубдан модернизациялаш масаласи долзарб муаммо сифатида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакат иктисодиётининг устувор соҳаларидан бири ҳисобланган қайта ишлаш саноати кўпгина ўзаро боғлиқ тармоқлар ривожланишини рағбатлантиради, натижада республикамиз ишлаб чиқариш салоҳияти ошади, янги иш жойлари яратилади, жамиятда ижтимоий барқарорлик таъминланади.

Қайта ишлаш саноати рақобатбардошлилигини ошириш, мамлакат ички бозорини тўйинтириш, қайта ишлаш саноати махсулотларини халқаро бозорларга олиб чиқишда инфратузилма тармоғини ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Буни куйидагилар тақозо этади:

биринчидан, миллий иктисодиётнинг хом ашё жиҳатдан катта сигимли эканлиги, келажакка мўлжалланган стратегик йўналишларни белгилашда ташкилотчилик қобилиятини маҳоратини ўзида мужассамлаштирган маркетинг бошқарувининг муҳимлиги;

иккинчидан, қайта ишлаш саноати ишлаб чиқараётган махсулотларнинг дунё бозоридаги рақобатбардошлилигини кўтариш. Бозорни ўзлаштиришдаги тижорат фаолиятини амалга ошириш орқали корхонани молиявий манбалар билан таъминлаш мумкинлиги;

учинчидан, қайта ишлаш саноатини молиялаштиришнинг бош мезонларидан бўлган лизинг тизимини ташкил этиш зарурати.

⁶ Исакулов Ш. Краткий обзор привлечения иностранных инвестиций и кредитов республике Узбекистан // Ж: Иностранные инвестиции в Республики Узбекистан. - 2003, N 1. 31-34.

⁷ Узбекистан в мировой экономике. Цифры и факты. Т.: Фан, 2001.; Экономика Узбекистана. Аналитический обзор. I – полугодие 2004г. USAID.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг
«Иқтисодиёт»
нашиёти
томонидан нашрга тайёрланган

Муҳаррирлар Алёхина З.Ф., Йўлдошев З.Х.
Мусахҳих Каримова М.Ю.
Компьютерчи Камилова С.М.

Журнал Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-0041-раками билан рўйхатга олинган.

Теришга берилди: 2009 й. 09.20. Босишга рухсат этилди: 2009 й. 09. 26. Бичими 70 x 108, 1/16. Офсет усулида ёзув қоғозига босилди. Шартли босма табағи: 10,7. Нашриёт-ҳисоб табағи 10,3. Адади 300 нусха. 27 сонли буюртма.

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, 700003, Тошкент, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 49-уй. Мурожаат учун телефон: 232-63-44.
ТДИУ босмаҳонасида босилди.

ISSN-2010-61-30

@ Иқтисодиёт ва таълим, 2009.

Материаллар кўчириб босилаётганда «Иқтисодиёт ва таълим» журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланадилар. Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди. Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.